

ISSN: 2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

2-СОН

ФЕВРАЛЬ, 2023



IMFAKTOR  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-2>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Иқтисодиёт фанлари*

**ТОЖИЕВ Бехзод Бекмурод ўғли**

*Тошкент молия институти мустақил изланувчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7680644>

## КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШДА АКТИВЛАРНИ ҚАДРСИЗЛАНИШИГА ТЕКШИРИШ

### АННОТАЦИЯ

Иқтисодиётмизда йирик корхоналарнинг ўрни бекиёсдир, уларнинг ташкилий тузилмасида мавжуд шўба, қарам корхоналари билан биргаликда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш консолидациялашган умумий кўринишдаги ҳисоботларни яратиш талабларини инобатга олишни тақозо этади. Шу жумладан, активларнинг қадрсизланиши ва унга яратиладиган резервлар ҳисоб-китобига қўйиладиган талабларни ҳам четлаб ўтмайди.

**Калит сўзлар:** назорат, ҳисобот даври, консолидациялашган молиявий ҳисобот, инвестиция объекти, активларнинг қадрсизланиши.

### АННОТАЦИЯ

Роль крупных предприятий в нашей экономике несравнима, подготовка финансовой отчетности по международным стандартам совместно с их дочерними и зависимыми предприятиями в их организационной структуре требует учета требований по созданию сводных общих отчетов. Это не исключает требований по расчету обесценения активов и создаваемых под него резервов.

**Ключевые слова:** контроль, отчетный период, консолидированная финансовая отчетность, объект инвестирования, обесценение активов.

### ANNOTATION

The role of large enterprises in our economy is incomparable, the preparation of financial statements according to international standards together with their subsidiaries and affiliates in their organizational structure requires taking into account the requirements for the creation of consolidated general reports. This does not exclude the requirements for calculating the impairment of assets and the provisions created for it.

**Keywords:** control, reporting period, consolidated financial statements, investment object, impairment of assets.

Ривожланган давлатлар сингари мамлакатимизда ҳам ташқи иқтисодий муносабатларда умумэтироф этилган меъёрий-норматив ҳужжатларни тан олиш ратификация қилиш ривожланишининг дастаги сифатида қаралмоқда. Шу ўринда маълумотлардан ташқи фойдаланувчиларни ишончли ахборот билан таъминлаш, жаҳон бозорларига чиқиш, хорижий инвесторларни кенг жалб этиш мақсадида бир қатор ҳукумат қарор ва фармонлари қабул қилинмоқда. .

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарорига мувофиқ, аксиядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар – 2021 йил 1 январдан бошлаб, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якуналаридан бошлаб молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тайёрланиши белгиланган.

Шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли фармони билан трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмаларининг рўйхати эълон қилинди.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи 2022 йил 9 декабр куни 3400-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

### **АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ**

Консолидациялашган Молиявий ҳисоботларни тузиш ва активларни кадрсизланишга текшириш бўйича бир қатор мамлакатимиз ва хорижий мутахассислар фикр, мулоҳазаларини келтириб ўтмоқчиман.

Ўзбекистон иқтисодиётининг интеграциялашуви ва молиявий ҳисоботларни умумқабул қилинган шаклда тақдим этиш жараёнида проф. З.Н.Курбанов ва А.К.Акрамовларнинг фикрича “Республикамизда бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради. Бу эса Республикамизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлиб қолади”.

Хорижий олимлардан А.М.Марковичнинг таъкидлашича: “Ҳар бир мамлакатда халқаро стандартларни жорий этиш ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб амалга оширилади жумладан, бухгалтерия ҳисоби объектларини тан олиш ва баҳолаш мезонлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир”. [1, Б.1]

Бундан ташқари, проф. В.С.Плотников ва О.В. Плотниковаларнинг фикрича “Консолидациялашган молиявий ҳисобот концепциясининг муаммоли масалаларидан бири бу - бухгалтерия ҳисобининг номоддий объекти сифатида гудвилни акс эттиришни услубий жиҳатдан таъминлаш ва шу билан боғлиқ бўлган гудвилнинг кадрсизланишидан зарарларни қоплаш жараёнларидир”. [2, Б.1]

Мазкур мавзудан келиб чиқиб, зарурий таҳлил кўрсаткичлари ва уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш жараёнлари билан атрофлича танишиб чиқамиз.

### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Мамлакатимизда Қимматли-қоғозлар марказий депозитарийси давлат унитар корхонасининг 2023 йил 20 февралдаги маълумотларига асосан жами 629 дан ортик акционерлик жамиятлари фаолият юритмоқда. Мазкур рўйхатга 60 дан ортик банклар ва 40 га яқин суғурта ташкилотлари, иқтисодиётнинг йирик тармоқ ҳамда хўжалик бошқаруви ташкилотлари киритилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳукуматимиз қарор ва фармонларида белгиланган вазифалар қаторида мазкур йирик солиқ тўловчи ташкилотлар молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузишади ва бу ҳисоботларни Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар деб аташади

1-сонли “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартига кўра молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўплами қуйидагиларни қамраб олади:

- ҳисобот даври охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
- ҳисобот даври учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;
- ҳисобот даври учун хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
- ҳисобот даври учун пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- аҳамиятли ҳисоб сиёсати ва бошқа тушунтириш маълумотларидан иборат изоҳлар.

[3, Б.4]

Консолидациялашган молиявий ҳисоботларда бош ташкилот яъни иқтисодчилар тилида айтадиган бўлса инвесторлар ўзларининг шўба, қарам ташкилотларининг молиявий ҳисоботларини жамланма кўринишга айнан бир ҳисобот санаси ёки даврига тузиш мақсадида бир қатор баҳолашларни амалга оширишади.

Инвестор бирон-бир ташкилот (инвестиция объекти)да иштироки ҳарактеридан қатъий назар, инвестиция объекти устидан назоратга эгаллигини баҳолаб, ўзининг бош ташкилот ҳисобланишини аниқлаши лозим.

Инвестор, агар инвестиция объектидаги иштирокидан даромадлар ўзгариши рискига мойил бўлса ёки бундай даромадларни олиш ҳуқуқига эга бўлса, шунингдек ушбу даромадларга инвестиция объектига бўлган ваколатларини амалга ошириш натижасида таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлса, инвестиция объектини назорат қилади.

Шундай қилиб, инвестор инвестиция объектини фақат ва фақат қуйидаги барча шартлар бажарилганда назорат қилади:

- 1- инвестиция объектига нисбатан ваколатларга эга бўлса;
- 2- инвестиция объектида иштирок этишдан даромадлар ўзгариши рискига мойил бўлса ёки уни олишга нисбатан ҳуқуқга эга бўлса;
- 3- инвесторнинг даромадлари миқдорига таъсир кўрсатиш мақсадида инвестиция объектига нисбатан ўз ваколатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлса. [4, Б.2]

Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишда ҳисоботнинг ҳар бир элементи хусусан активларга катта эътибор қаратилади, концептуал асосларга кўра ташкилот активларни ҳисоботларда ортириб, мажбуриятларни эса қамайтириб кўрсатиши мумкин эмас.

Айнан активларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш бўйича 20 га яқин халқаро молиявий ҳисоботлар ҳозирги кунгача амалда қўлланиб келинмоқда.

Шулардан бири 36-сонли “Активларнинг қадрсизланиши” молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти талаблари ҳам консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишда кенг қўлланивчи стандартлардан ҳисобланади. Мазкур стандартнинг қисқача қўлланилиши ва тадбиқ этилмайдиган жиҳатлари тўғрисида мулоҳаза қиламиз.

Стандартнинг мақсади ташкилот томонидан активларнинг баланс қиймати уларнинг қопланадиган қийматидан ортиқ бўлмаслигини таъминлаш билан боғлиқ тартибларни белгилашдан иборат. Агар активнинг баланс қиймати ундан фойдаланиш ёки уни сотиш орқали қопланадиган суммадан ортиқ бўлса, актив ўзининг қопланадиган қийматидан ортиқ суммада ҳисобга олинган ҳисобланади. Агар ушбу ҳолат юз берса, актив қадрсизланган деб ҳисобланади ва ташкилотдан қадрсизланишдан зарарни тан олишни талаб этилади.

Шунингдек, стандарт қадрсизланишдан зарарни қайси пайт қайта тикланиши лозимлигини ва ташкилот томонидан ёритиб берилиши лозим бўлган маълумотларни белгилайди.



**1-расм. Активларнинг қадрсизланиши стандартдан ташқари ўзининг меъёрий талабларидан келиб қадрсизланиш даражаларини ҳисобга олувчи бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.**

Мазкур расмда келтирилган халқаро стандартлар 36-сонли “Активларнинг қадрсизланиши” стандарти талабларига мос ҳолда эмас балки, активларни ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қадрсизланишга текшириб борилади.

Мисол тариқасида мамлакатимизда фаолият юритаётган консолидациялашган ҳисоботларни тузувчи “Капиталбанк”нинг 2020-2021 йиллар учун тузилган ҳисоботларини таҳлил қилиб кўрамиз.

Капиталбанк АТБнинг 2021 йил учун тузилган консолидациялашган фойда ёки зарарлар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги молиявий ҳисоботида

Бошқа молиявий активларнинг қадрсизланишидан зарар ва шартли мажбуриятлар бўйича турли резервлар 2020 йилнинг шу даврига нисбатан ўн баробарга кўп ҳисоблангани молиявий активларнинг қадрсизланиш даражаси ўсгани ёки кўшимча активларни пайдо қилишидан резерв ҳисоб-китоби ортгани билан баҳоласак бўлади.

Диққат билан эътибор қаратадиган бўлсак, халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисобот тузишда ҳисоботларда молия йилининг кўрсаткичлари ҳисоботнинг чап тарафида акс этувчи рақамлар билан ифодаланган.

**1-жадвал. “Капиталбанк” АТБнинг 2021 йил учун Консолидациялашган фойда ёки зарарлар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботи**

*млн.сўмда*

	2021 йил	2020 йил
Самарали фоиз усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобланган фоиз даромади	1,112,984	571,545
Бошқа фоиз даромадлари	1,083	1,127
Фоиз харажатлари	(501,247)	(307,881)
Соф фоиз фойдаси	612,820	264,791
Мижозларга берилган кредит бўйича кутилаётган зарарлар учун яратилган захира (резерв)	(89,151)	(63,929)
Фоиз ҳисобланадиган миқдорларга берилган кредит бўйича яратилган захира (резерв)дан сўнг Соф фоиз фойдаси	523,669	200,862
Комиссион даромадлар	403,765	285,943
Комиссион харажатлар	(147,853)	(71,769)
Жорижий валюта операцияларидан соф фойда	139,724	28,099
Бошқа молиявий активларнинг қадрсизланишидан зарар ва шартли мажбуриятлар бўйича турли резервлар	(22,736)	(2,286)
Бошқа даромадлар	9,201	7,400
Ходимлар бўйича ва бошқа операцион харажатлар	(466,943)	(294,867)
Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда	438,827	153,382
Фойда солиғи бўйича харажатлар	(74,328)	(32,766)
Йил соф фойдаси	364,499	120,616

Капиталбанк АТБнинг 2021 йил учун тузилган консолидациялашган фойда ёки зарарлар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги молиявий ҳисоботида Бошқа молиявий активларнинг қадрсизланишидан зарар ва шартли мажбуриятлар бўйича турли резервлар 2020 йилнинг шу даврига нисбатан ўн баробарга кўп ҳисоблангани молиявий активларнинг қадрсизланиш даражаси ўсгани ёки кўшимча активларни пайдо қилишидан резерв ҳисоб-китоби ортгани билан баҳоласак бўлади.

Диққат билан эътибор қаратадиган бўлсак, халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисобот тузишда ҳисоботларда молия йилининг кўрсаткичлари ҳисоботнинг чап тарафида акс этувчи рақамлар билан ифодаланган.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, иқтисодиётнинг ҳар бир мустақил тармоқларида активларнинг таснифланиши турлича бўлишига қарамадан уларнинг ҳаракати қадри ва қиймати бир-бирига мос келувчи мезонлардан ташкил топади.

Ўрганишлар натижасида қуйидаги тавсияларни илгари сурмоқчимиз:

- фаолият соҳаларидан келиб чиқиб корхоналарда мавжуд активларнинг бозор қийматини аниқ белгилаб берувчи ва уларнинг ягона маълумотлар базасини ташкил этувчи кўп тармоқли ахборот марказини ташкил этиш, бу орқали корхоналар ўз маблағлари ҳисобидан активларини қадрсизланишга текшириш учун юқори миқдордаги сарф-харажатларни тежаш имкониятига эга бўладилар;

- ҳар йили корхоналарда активлар қадрсизланиши кўрсаткичлари молиявий ҳисоботларда акс эттирилиб бориши орқали макро даражадаги соҳалар кесимида активларнинг қимматлилиги миқдори аниқланади.

## ИҚТИБОСЛАР

1. А.М.Маркович “Методология признания убытков от обесценения нефинансовых активов” 2018г. 8с;
2. В.С.Плотников, О.В.Плотникова “Оценка обесценения гудвилла и возмещение потерь от обесценения в консолидированной финансовой отчетности” 2015г. 13с;
3. 1-сонли “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 26 Б.
4. 10-сонли “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 42 Б.
5. [www.kapitalbank.uz](http://www.kapitalbank.uz)

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)



**IMFAKTOR  
PAGES**